2007 йил, 19 июнь, сешанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 116 (10.925) Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### Қисқа сатрларда

●**БУГУН** Шайхонтоҳур туман ҳокимлигида туман ҳокимлиги, Маънавият тарғибот марказининг Тошкент шаҳар бўлими ҳамкорлигида уюштирилган анжуман «Мустақиллигимизни асраб-авайлайлик» деб номланди.

●**БУГУН** Чилонзор туманидаги Тошкент Радиотехника касб-ҳунар коллежида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш масалаларига бағишлаб ўтказилган тадбирда туман мактабларининг раҳбарлари, ўқитувчилар иштирок этишди.

●**ШАҲРИМИЗНИНГ** фаол ёшлари иштирокида уюштирилган тадбир мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш масалаларига бағишланди.

●**ЁШ** авлодни жисмоний тарбия ва спортга кўпроқ жалб этиш мақсадида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда профессионал бокс бўйича жаҳон чемпиони Руслан Чагаев ҳамкорлигида ташкил этилган жамғарманинг илк грантлари соҳиблари тақдирланди.

●**ШАҲРИМИЗДА** Ўзбекистон Адвокатлар ассоциациясининг IV съезди бўлиб ўтди.

●**ЎТГАН** куни «Шаҳидлар хотираси» хиёбонида Тошкент Ахборот технологиялари университети битирувчиларига дипломлар топширилди.

●**МЕҲНАТ** ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ташаббуси билан масъул ходимлар иштирокида уюштирилган йиғилишда аҳолини иш билан таъминлашнинг долзарб муаммолари муҳокама этилди.

●**ТОШКЕНТДА** ўзбекистонлик, япониялик, Жанубий кореялик шифокорлар иштирокида уюштирилган илмий-амалий анжуман шошилинч тиббий хизматни ривожлантиришнинг долзарб масалаларига бағишланди.

**(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).**

## КАТТА ҲАЁТГА ЙЎЛЛАНМА

**ТОШКЕНТ ОЛИЙ УМУМҚЎШИН ҚЎМОНДОНЛИК БИЛИМ ЮРТИНИНГ НАВБАТДАГИ БИТИРУВЧИЛАРИГА ЛЕЙТЕНАНТ УНВОНЛАРИ ВА ДИПЛОМЛАРИ ТОПШИРИЛДИ. ШУ МУНОСАБАТ БИЛАН БЎЛИБ ЎТГАН ТАНТАНАЛИ ТАДБИРДА МАЗКУР БИЛИМ ЮРТИ ЎҚИТУВЧИ-МУРАББИЙЛАРИ, ҲАРБИЙЛАР, ТЕГИШЛИ ВАЗИРЛИК, ИДОРА ВА ТАШКИЛОТЛАР ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ОТА-ОНАЛАР ИШТИРОК ЭТДИ.**

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучларимизнинг Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз ҳарбий тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли миллий армиямиз йил сайин такомиллашиб, ҳарбийлик нуфузли касбга айланиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Сон жиҳатдан ихчам, яхши таъминланган, замонавий қурол-яроғ билан қуролланган, Ватанимизни ҳимоя қилишга оид вазифаларни ҳар қандай вазиятда бажаришга қодир Қуролли Кучларни барпо этиш — миллий армиямизни ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидандир. Бунда мамлакатимиз ва хорижда тўпланган ижобий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, ҳарбий хизматчиларнинг профессионал тайёргарлигини юксалтириш муҳим ўрин тутади. Олий ҳарбий ўқув юртларида барча бўғиндаги командирларнинг профессионал қобилияти ва малакасини ошириш, интеллектуал салоҳиятини ҳар томонлама юксалтиришга қаратилган, ташкилотчилик кўникмаларига эга, билимдон, ҳар қандай шароитда ҳам мустақил ва тўғри қарор қабул қила оладиган малакали офицер-мутахассислар тайёрлашнинг мукаммал тизими йўлга қўйилди.

Истиқлолимиз меваларидан бири – Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти - Ўзбекистон Қуролли Кучларининг мотоўқчи, разведкачи ва чегарачи бўлинмалари учун юқори малакали офицерлар, шунингдек, тарбиявий ишлар бўйича командир ўринбосарларини тайёрлайдиган мамлакатимиздаги етакчи ҳарбий таълим муассасалардандир. Шонли тарихга, ҳарб санъати ва таълими бўйича катта тажрибага эга ушбу билим юртида Ватанимиз ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар Қуролли Кучларида бугун юксак лавозимларда хизмат қилаётган кўплаб офицерлар таълим олган.



Тадбирда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти битирувчиси Ойбек Маҳмудов, ота-оналар номидан сўзга чиққан Ҳамидулла Раҳматов ва бошқалар бугун катта ҳаётга йўлланма олган битирувчиларнинг келгусида мамлакатимиз Қуролли Кучларида етук мутахассис-кадрлар сифатида хизмат қилишида муваффақиятлар тилади. Давлатимиз раҳбари томонидан ёшларнинг чуқур билим олиб, комил инсонлар бўлиб вояга етишиши борасида кўрсатилаётган доимий ғамхўрликка муносиб бўлиш ҳар бир битирувчи-офицернинг бурчи экани алоҳида таъкидланди.

Офицерлик Бекзод Эргашевнинг болалик орзуси эди. Бекзод бу йўлда астойдил ўқиб, изланди. Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига ўқишга киргунича Самарқанд шаҳридаги ўқувчиларни ҳарбий касбларга йўналтирувчи республика лицейини аъло баҳоларга тугатди. Офицерлик дипломини қўлига олиб, елкасидаги лейтенантлик погонлари ўзига ярашиб турган бу кўркам йигитнинг қувончи чексиз.

— Бугун ҳаётимдаги унутилмас кунлардан бири бўлиб қолади, — дейди Б.Эргашев. — Боиси, офицерлик касби кишига катта фахр-ифтихор билан бирга улкан масъулият ҳам юклайди. Эндиги орзуим – Ватанимизга, Президентимизга садоқат билан, чин дилдан хизмат қилиш, олган билим ва кўникмаларимни мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини юксалтириш, ҳарбий қудратини янада мустаҳкамлаш ҳамда халқимизнинг тинчлик ва осойишталигини асраб-авайлаш йўлида сарфлашдир.

Битирувчиларга лейтенант унвони ва дипломлари топширишга бағишланган ана шундай тантанали тадбирлар мамлакатимиздаги бошқа олий ҳарбий таълим муассасаларида, жумладан, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Мудофаа вазирлигининг махсус факультетида ҳам бўлиб ўтди.

**Жасур КЕНГБОЕВ,**
**ЎзА мухбири**

## ФАМ ЗУЙ ШОН: «МЕН МАМЛАКАТИНГИЗНИ, ЯРАТУВЧИ, МЕҲНАТСЕВАР ВА МЕҲМОНДЎСТ ЎЗБЕК ХАЛҚИНИ ЧИН ҚАЛБИМДАН СЕВАМАН»

Вьетнам Социалистик Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Фам Зуй Шоннинг мамлакатимиздаги дипломатия миссияси якунланди. Ватанига жўнаб кетиши олдидан элчи жаноблари «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоб беришга бажонидил рози бўлдилар.

**— Муҳтарам элчи жаноблари, Ўзбекистон ва Вьетнам ўртасидаги муносабатларнинг ҳозирги ҳолатини қандай баҳолайсиз?**

— Ассалому алайкум. Менинг гўзал мамлакатингиздаги фаолиятим ниҳоясига етди. Ўзбекистоннинг меҳмондўст, самимий ва оққўнгил халқи билан хайрлашишдан олдин Вьетнам ва Ўзбекистон ўртасида барча соҳаларда илиқ ва дўстона муносабатлар мавжуд эканини алоҳида қониқиш билан қайд этишни истар эдим. Ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорлик қилиш биз учун жуда ёқимлидир.

Ўзбекистон – кўҳна ва бой тарихга эга бўлган гўзал мамлакат. Бу ерда кечирган йилларим ҳаётимнинг энг ёрқин саҳифаларидан бири бўлиб қолади. Мен мамлакатингизни, яратувчи, меҳнатсевар ва меҳмондўст ўзбек халқини чин қалбимдан севаман.

**— Мамлакатларимиз ҳамкорлигининг истиқболлари ҳақидаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз...**

— Бизнинг дўстона муносабатларимиз ва ўзаро манфаатли ҳамкорлигимиз кун сайин ривожланмоқда ва мустаҳкамланиб бораётир. Ишончим комилки, бу жараён келгусида ҳам фақат чуқурлашиб бораверади.

Мамлакатларимиз ўзаро ҳамкорлик учун улкан салоҳиятларга эга. Алоқаларимиз иқтисодиёт билан бир қаторда бошқа барча соҳаларда, жумладан, маданият, сайёҳлик, таълим жабҳаларида ҳам ривож топишига аминман.

Маълумки, илгари минглаб вьетнамлик талабалар Ўзбекистон олий ўқув юртларида олий маълумот олишган. Улар ҳозир Вьетнамда муҳим вазифаларда меҳнат қилишаётир. Улар орасида вазир, элчи ва бошқа соҳаларнинг таниқли мутахассислари бор.

Ўзбекистон ва Вьетнам бир-бирига жуда ўхшаш мамлакатлардир. Халқларимизнинг маданият ва урф-одатларида муштарак жиҳатлар талайгина.

Мен Самарқанд, Бухоро, Қарши ва Хива шаҳарларида бўлганман. Улар ажойиб, гўзалликда бетакрор, мафтункор шаҳарлардир. Юртингизнинг қайси шаҳрида бўлмайин мени ҳамиша илиқ, меҳмондўстлик билан кутиб олганларини алоҳида таъкидлашдан мамнунман.

**— Элчи жаноблари, Ўзбекистондан ватанингизга қайтиб кетаётган шу топда кўнглингиздан нималар кечмоқда?**

— Мен юртингизда 3 йилу 8 ой яшадим. Мамлакатингиз мен учун иккинчи ватан бўлиб қолди. Мен бу ерда ўзимни ўз уйимдагидек ҳис қилдим. Фаолиятим давомида ўзбек дўстларим мени доимо қўллаб-қувватлашди.

Вьетнамда мени кутаётган яқинларим, дўстларим билан кўришишга ошиқаяпман, албатта. Бироқ, айни пайтда гўзал ўзбек заминини тарк этиш осон кечмаётганини ҳам эътироф этаман. Ўзбекистон халқига, юртингиздаги кўп сонли барча дўстларимга чин дилдан бахт-саодат, мустаҳкам соғлиқ ва улкан зафарлар тилайман. Тинчлик-хотиржамлик ва муваффақиятларимиз бардавом бўлсин.

**Суҳбатдош**
**Шуҳрат УМИРОВ,**
**«Жаҳон» АА мухбири**

**ЯНА БИР НЕЧА КУНДАН КЕЙИН ПОЙТАХТИМИЗДА БОШЛАНАДИГАН КАТТА СПОРТ БАЙРАМИ ОЛДИДАН КЕЧА БЎЛИБ ЎТГАН МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИДА «УНИВЕРСИАДА — 2007» ТАШКИЛОТЧИЛАРИ ТОМОНИДАН МУСОБАҚАЛАРНИНГ ТЎЛИҚ ЁРИТИЛИШИГА КАТТА ИШОНЧ БИЛДИРИЛДИ. БУНДАЙ ХУЛОСАНИНГ ЧИҚАРИЛИШИГА ЭСА, АЛБАТТА, АСОСЛАР БИСЁР.**

*«Универсиада—2007» олдидан*

## КЎПЛАБ ЯНГИЛИКЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Юқори савияда, ёшлар фестивали сифатида ўтказилиши кутилаётган спорт ўйинларидан деярли икки ҳафта олдин «Ёшлик» талабалар шаҳарчасининг «Маънавият ва маърифат» маркази биносида жойлашган «Универсиада-2007»нинг бош штаби қошида матбуот маркази, аниқроғи ахборот маркази ўз ишини бошлади. Бу ерда марказ ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Алоҳида ташкил этилган компьютер хоналарида мусобақаларнинг веб-саҳифасини шакллантириш бўйича учта интернет-гуруҳ фаол иш юритмоқда. Марказ телефонлари: 246-95-84, 246-18-06).

Ҳақиқатдан ҳам интернет-алоқа телевидение, радио, агентликлар ва босма нашрлар мухбирлари учун шу кунларга қадар амалга оширилган ташкилий ишлар ҳамда Универсиада тарихи ва бўлажак ўйинларга оид ахборотлардан воқиф бўлиш борасида имконият яратди.

Матбуот анжуманида айтиб ўтилганидек, бу сафарги Универсиаданинг кенг ёритилишини таъминлашда аккредитациядан ўтган 400 дан зиёд оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этади. Таъкидланганидек, кейинги йиллар давомида уч босқичли узлуксиз спорт ўйинларининг мустаҳкам негизи шакллантирилишида айниқса оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти каттадир. Журналистлар томонидан мусобақаларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишга қадар барча босқичлардаги тадбирлар кенг ёритиб борилди, бу эса, ўз навбатида, республикамиз аҳолисининг давлатимиз, жамиятимиз ҳаётида «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» ўйинларининг мазмун-моҳияти ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлишида асосий ахборот манбаси вазифасини ўтади.

Шубҳасиз, «Универсиада — 2007» мусобақаларининг тўлиқ дастур доирасида ёритилишида асосий ахборот марказидан ташқари, мусобақалар бўлиб ўтадиган ҳар бир манзил ҳамда иштирокчилар яшаш жойларида алоҳида матбуот бўлимларининг ташкил этилиши ҳам муҳим ўрин тутди. Барча сўнгги ахборотлар бу ердан корпоратив тармоқ орқали тезкор гуруҳлар томонидан марказий ахборот хизматига етказиб борилади. Бўлимларда телефон, факс, компьютер ва бошқа зарур техник воситалар ўрнатилган бўлиб, аккредитация қилинган журналистлар учун ўз таҳририятлари билан бевосита боғланиши, эфирга тўғридан-тўғри ахборотлар йўллаши, бошқа манзилларга тегишли маълумотлар узатишида энг қулай имкониятдир.

Бош ахборот маркази ва унинг бўлимларида мусобақалар кун тартиби, ўтиш жойларига оид керакли ахборотлар тўлиқ жамланган, бундан ташқари, уч томонлама — Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан тасдиқланган «Универсиада — 2007»нинг маданий-маърифий тадбирлари режаси журналистларнинг эътиборини тортмасдан қўймайди. Албатта, бу йўналишдаги тадбирлар ҳам бевосита жойлардан тайёрланган репортажлар орқали ёритилиб борилади.

*(Давоми 3-бетда).*

## XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**●Жисмоний имконияти чекланган болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар орасидан истеъдод эгаларини қидириб топиш ва рағбатлантириш мақсадида ўтказиб келинаётган «Мафтункор ранглар олами» кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи якунланди.**

**●«Ўзбектуризм» миллий компаниясининг Самарқанд вилоят бўлими Япония халқаро агентлиги —JICA билан ҳамкорликда Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишлаб «Guide book of Samarkand» (Самарқанд бўйлаб саёҳат) китобини нашрдан чиқарди.**

**●Тошкентдаги «Shodlik Palas Hotel» меҳмонхонасида Европа Иттифоқининг Менежерларни тайёрлаш дастури доирасида анжуман ўтказилди.**

**●Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон симфоник оркестри, Алишер Навоий номидаги опера ва балет Катта академик театри санъаткорлари иштирокида хайрия концерти бўлиб ўтди. «Мурувватли бўлайлик!» шиори остида ўтган мазкур дастур Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.**

**●«Экосан» экология ва саломатлик халқаро ташкилотида Жаҳон чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши кураш кунига бағишланган учрашув бўлиб ўтди.**

**●Андижон вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ташаббуси билан Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида касблар фестивали ўтказилди. Унда вилоятдаги ўрта мактабларнинг 9-синф битирувчилари касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар фаолияти билан яқиндан танишдилар.**

**●Қўқон шаҳрида Фарғона водийси вилоятларида узумчилик билан шуғулланадиган агрофирмалар, фермер хўжаликлари, қайта ишлаш корхоналари раҳбарлари иштирокида семинар-кенгаш ўтказилди. «Ўзвиносаноат-холдинг» компанияси томонидан ташкил этилган ушбу анжуман етиштирилган узум ҳосилини тез ва сифатли йиғиштириб олиш ва қайта ишлаш масалаларига бағишланди.**

**●«Камолот» ЁИҲ Бухоро вилоят бўлими «Ҳар бир фарзандга меҳр» деб номланган акция ўтказди. Ундан тушган пулга кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари, ўқув қуроллари харид қилиниб, 32-Меҳрибонлик уйи, Бухоро вилоятлараро ихтисослаштирилган интернат тарбияланувчилари ва қишлоқдаги эҳтиёжманд оилаларга тарқатилди.**

**●Термиздаги 1-вилоят шифохонаси қошида Ортопедия ва тан жароҳати асоратларини даволаш маркази иш бошлади. Марказни бунёд этишда Германия давлатининг сармояси салмоқли ўрин тутди. Улар даволаш марказига қиймати 382 минг еврога тенг компьютер томография, ташхис қўйиш, жарроҳлик ва наркоз аппаратларини тақдим этдилар.**

**●Хатирчи туманидаги «Зарланиндустрия» МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури ва ҳажми ортмоқда. Ўтган йилда бу ерда 35 минг квадрат метр гранит ва мармар плиталар ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилда корхонада маҳсулот ҳажмини 60 минг квадрат метрга етказиш кўзда тутилмоқда.**

### ЖАҲОНДА

**●Фаластин мухториятининг янги ҳукумати қасамёд қабул қилди. Собиқ молия вазири Салом Файёд истеъфога чиқарилган ХАМАС ҳаракати раҳбари, бош вазир Исмоил Хония ўрнига тайинланди. Таъкидлаш жоизки, Фаластин янги фавқулодда ҳукуматининг таркибида бирорта ҳам ХАМАС ҳаракатининг вакили йўқ. Миср ва Иордания Фаластиннинг фавқулодда ҳукуматини тан олди.**

**●Кеча АҚШ давлат котиби Кондолиза Райс Фаластиннинг янги фавқулодда ҳукумати билан барча алоқаларнинг тикланиши ва мухториятга нисбатан аввал белгиланган санкцияларнинг бекор қилинишини таъкидлади.**

**●НАТОга аъзо бўлган 26 мамлакатдан 7 таси ўз ҳарбий мутахассисларини Афғонистонга жўнатишга қарор қилди. Улар Афғонистон армиясини шакллантириш жараёнида иштирок этадилар.**

**●БМТ Хавфсизлик Кенгашига аъзо 15 давлат вакилларидан иборат делегация Африка бўйлаб бир ҳафталик сафарини бошлади. Делегация дастлаб Эфиопияга ташриф буюрди. Ушбу ташрифдан кўзланган асосий мақсад БМТ ва Африка Иттифоқининг тинчлик миссияси Дарфурда ҳамкорликда фаолият юритишига қитъанинг ҳудудий етакчилари қандай кўз билан қарашини ўрганишдир.**

**●Австралиянинг Мельбурн шаҳри марказида номаълум жиноятчининг тўппончадан тинч аҳолига қарата ўқ узиши натижасида бир киши ҳаётдан кўз юмди, 2 киши жиддий жароҳатланди. Маълумотларга кўра, қотил воқеа жойидан қочишга улгурган.**

**●Афғонистон пойтахти Кобул шаҳрида йирик кўпорувчилик ҳаракати содир этилди. Шаҳар полиция маркази ёнидаги автобус ичига кириб олган террорчи-камикадзе ўзини портлатиб юборди. Натижада 35 нафар полициячилар, полиция ўқув академияси тингловчилари ҳалок бўлди, 30 дан ортиқ киши тан жароҳатларини олди.**

**●Париж яқинидаги Ле-Бурже шаҳарчасида 47-Халқаро авиакосмик салон очилди. Мазкур йирик форумда дунёнинг 42 мамлакатидан 2000 га яқин компания иштирок этмоқда.**

*Алоқа*

# СОҲАДА ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

**БУГУНГИ ШИДДАТ БИЛАН ЎЗГАРИБ БОРАЁТГАН ИЖТИМОИЙ-МАИШИЙ ТУРМУШ ТАРЗИМИЗНИ УЯЛИ АЛОҚАЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ҚУЛАЙЛИКЛАРСИЗ ТАСАВВУР ЭТИШ ҚИЙИН. АГАР ТАЪБИР ЖОИЗ БЎЛСА, МОБИЛ ТЕЛЕФОНЛАРИ ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ТИЗИМИНИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ ҲАЁТИМИЗНИНГ АЖРАЛМАС БИР ҚИСМИГА АЙЛАНДИ.**

Маълумки, шу соҳада хизмат кўрсатувчи PAYNET компанияси ўз фаолиятини 2006 йил август ойидан бошлаган бўлиб, ҳозирги кунгача республикамиз аҳолисидан телекоммуникация ва бошқа хизмат турлари учун тўловлар қабул қилишни, ушбу тўловларни хизмат кўрсатувчи ташкилотларга етказиб беришни муваффақиятли тарзда амалга ошириб келмоқда.

Илгари хабар берганимиздек, шу кунга қадар PAYNET тизими агентлари учун компания пунктларида тўлов қабул қилишнинг икки усули таклиф этилаётган эди. Буларнинг биринчиси GPRS боғланиш, яъни Интернетга уланишда уяли алоқа оператори тармоқларидан фойдаланиш ёрдамида PAYNET тизими билан уланадиган POS—терминаллар. Навбатдагиси Интернет тармоғи ёрдамида тизимга уланишдир. Бу ҳолда компьютер, ҳамда чек чиқариб бериш учун махсус термо-принтер зарур бўлади. Жорий йилнинг июнь ойидан бошлаб компания тўлов қабул қилишдаги тамоман янгича технологияни, аниқроғи, уяли алоқа аппарати орқали тўловлар қабул қилишни йўлга қўймоқда. Амалда татбиқ этилаётган технология мобил ахборот тармоқлари тизимидаги илғор намуналардан бўлиб, жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Мазкур тизим орқали тўловларни амалга оширишни бошлаш учун уяли телефон махсус дастури ўрнатилади. Агентдан фақатгина тўлов ҳақидаги керакли маълумотларни тўловни GPRS боғланиш орқали PAYNET тизимидан ўтказиш талаб этилади. Тўлов ўтказилганидан сўнг, маълумот уяли телефонга «Biue Tooth» орқали, яъни замонавий симсиз уланиш технологиясига боғланган махсус, ихчам терма-принтерда босиб чиқарилади. Ушбу технологияда PAYNET тизими орқали тўлов қабул қилаётган хўжалик субъектларидан амалда компьютер ёки бошқа офис техникаси жиҳозлари бўлиши талаб этилмайди, агентларнинг тезкорлик хусусиятини оширади ва бу ўз навбатида истеъмолчиларга қулай хизмат кўрсатиш имконини беради.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**

*2007 — Ижтимоий ҳимоя йили*

# ОЛАМ ГЎЗАЛЛИГИ — БОЛАЖОНЛАР КУЛГУСИДА

**ХАЛҚИМИЗ АЗАЛ-АЗАЛДАН САХОВАТПЕША, ЕТИМ-ЕСИРЛАРНИНГ БОШИНИ СИЛАБ, КЎЗИДАГИ ЁШИНИ АРТГУВЧИ, ЎКСИК ДИЛЛАРГА ЮПАНЧ БЕРГУВЧИ КЎНГЛИ ОҚ, БАҒРИ КЕНГ ХАЛҚДИР. АНА ШУНДАЙ ЭЗГУ ВА САВОБ ИШЛАРГА БОШ ҚЎШИШГА ИЧКИ ИШЛАР ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИ ҲАМ ҲАМИША КАМАРБАСТАДИР.**

Айниқса хизмат бурчини бажараётган пайтда ҳалок бўлган ички ишлар хизмати ходимларининг оила аъзоларига, уларнинг фарзандларига алоҳида эътиборли бўлишни Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси жамоаси ўзлари учун ҳам қарз, ҳам фарз ҳисоблайдилар. Шунинг учун ҳам айниқса байрам кунларида уларнинг ҳолидан хабар олиб туриш анъанага айланган.





Хайрли ишлар доимо файзли, тароватли бўлади. Яқинда, ёзнинг илк кунларида пойтахт Ички ишлар бош бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби томонидан боқувчисини йўқотган, кам таъминланган, ногирон бўлиб қолган ходимларнинг оила аъзоларига, фарзандларига совғалар улашиш, уларнинг бироз бўлсада кўнгилларини шод этиб, ҳордиқ чиқаришларини таъминлаш мақсадида, эрта тонгдан тантанали тадбирлар бўлиб ўтди. Авваламбор тадбир бошида, таклиф қилинган маҳмонлар, байрамнинг асосий сабабчилари бўлмиш болажонлар ва уларнинг яқинлари Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ҳовлисида ўрнатилган, хизмат бурчини бажараётган вақтда қаҳрамонларча ҳалок бўлган ходимлар, яъни оталарининг хотирасига бағишланган, исми-шарифлари зарҳал ҳарфлар билан битилган мармар тошга, «Мотамсаро она» ҳайкали пойига гуллар қўйишди. Тантанали йиғилишда сўзга чиққанлар, шахсий таркиб, раҳбарият, айниқса юрт тинчлиги ва осойишталигини сақлаш йўлида хизмат қилиб, жиноятчилар, террорчилар билан курашда жасорат, мардлик кўрсатиб қаҳрамонларча ҳалок бўлган ходимларнинг фарзандлари—ўғиллари ўз оталарининг хотираларини ёд олар экан, келажакда айнан уларнинг ишини давом эттириб, эл тинчлиги учун ҳалол, муносиб фарзанд бўлишга ваъда бердилар. Шундан сўнг тадбир ташкилотчилари таклиф қилинган болажонларни алоҳида ажратилган автобусларда сайр этиш учун пойтахтимиздаги кўнгилочар «Дисней» хиёбонига, «Аква» боғига олиб боришди.

У ерда болалар турли хил ўйингоҳлар, аттракционлар, каруселларда, арғимчоқларда учиб, мириқиб ўйнаб, музқаймоғу ширинликлардан баҳраманд бўлиб роса яйрашди. Шу куни кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандлари, яъни ўн нафар болажонларнинг хатна тўйи ҳам ўтказилди. Шу муносабат билан пойтахтимизнинг кўркам, серфайз қаҳвахоналаридан бирида тўй дастурхони ёзилиб, тўйнинг асосий сабабчиларига зар чопону-дўппилар кийгазилиб, давранинг тўрига ўтказилди. Ушбу тантанали маросимда Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти ва шахсий таркиби тадбирга таклиф қилинган барча болаларга турли совғалар топширишди. Шунингдек, Тошкент давлат циркига ва Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғига бепул чипталар тарқатилиб, томошаларга таклиф этилди. Тўйга тўёна сифатида ташриф буюрган санъаткорларнинг куй ва қўшиқлари билан тантана янада файзли ўтди.

Ҳа, ушбу тадбирда иштирок этар эканмиз, таклиф қилинган ҳар бир меҳмон чеҳрасида, айниқса болажонларнинг, жажжи ўғил-қизларнинг қувончи чексиз эканлигини, қувнаб яйраётганини кўриб биз ҳам дилдан шодландик.

«Набираларимизга кўрсатилаётган ғамхўрликдан миннатдорман. Кўнглим кўтарилиб, жигарбандим ёнимда юргандай бўлди,— дейди кекса онахонлардан бири.

*Меҳр билан азиз бошинг силайин,*
*Пешонангга ёруғ иқбол тилайин,*
*Посбон бўлиб тунни кунга улайин,*
*Ҳар нафасинг тинчу сокин, болажон,*
*Озод юртда камол топгин, болажон!*

**Юлдуз АШИРОВА,**
**Тошкент Шаҳар ИИББ**
**Матбуот маркази катта инспектори,**
**майор.**

**СУРАТЛАРДА: бўлиб ўтган тадбирдан лавҳалар**

**АКАДЕМИК ВОСИТ ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА ЖАРРОҲЛИК ИЛМИЙ МАРКАЗИ ҲАМДА ИТАЛИЯНИНГ БЕРГАМО КЛИНИКАСИ КАРДИОХИРУРГ ОЛИМЛАРИ ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 7-13 ИЮНЬ КУНЛАРИ ЮРАК ИШЕМИЯСИ КАСАЛЛИГИДАН АЗИЯТ ЧЕКИБ КЕЛАЁТГАН БИР ТАЛАЙ БЕМОРЛАРДА АОРТО-КАРОНАР ШУНТ ҚЎЙИШ КАБИ МУРАККАБ ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТИНИ ЎТКАЗИШДИ.**

# ҲАМКОРЛИКДАГИ ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТЛАРИ

Таркиби моҳир ва тажрибали кардиожарроҳлари, анестезиолог ҳамда кардиологлардан иборат Италиянинг Бергамо клиникаси жарроҳлар гуруҳи амалиётлар жараёнида академик В.Воҳидов номидаги республика Жарроҳлик илмий марказидаги ўзбек ҳамкасблари билан ўзаро тажриба алмашдилар. Ўзаро ҳамкорликда ўтказилган жарроҳлик амалиётларида М.Зуфаров, А.Мансуров, Л.Назиров сингари юртимизнинг етакчи тиббиёт олимлари фаол иштирок этди.

— Жаҳонга машҳур Мерло Маурицио, Терци Амедео, Пак Виталий, доктор Живоанни, Александр Антипин, Иаковани Аттилио, доктор Сильвано каби италиялик анестезиолог ва кардиологлар билан ҳамкорликда ўтказилган амалиётлар самарали ўтди, — дейди юрак ишемик касаллиги жарроҳлик бўлими раҳбари Аброл Мансуров. — Келажакда ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш ниятидамиз. Чунки, ўзаро тажриба алмашиш, тиббиёт соҳасидаги янги амалиётларни ўрганиш биз учун ҳам хорижлик мутахассислар учун ҳам фойдадан холи бўлмайди. Асосий мақсад эса битта, у ҳам бўлса соҳа мутахассисларининг малакасини янада ошириш ва беморлар оғирини енгил қилишдир.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, операцияларнинг муваффақиятли ўтиши учун шифокорларга барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Шуниси эътиборлики, ўтказилажак жарроҳлик амалиётлари учун энг оғир беморлар саралаб олинди. Икки мамлакатнинг ҳамкор олимлари биргаликда мураккаб амалиётлардан омон-эсон, муваффақиятли ўтган беморлар ҳолидан хабар олиб турдилар.

**Сурайё МЕЛИҚУЛОВА,**
***"Туркистон-пресс"***

*Иқтисодиёт*

# КАБЕЛЬ МАҲСУЛОТЛАРИ

**«ЎЗКАБЕЛЬ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН ТУРЛИ ХИЛ КАБЕЛЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ 2000ДАН ҲАМ ОРТИБ КЕТДИ.**

Асосан мазкур кабель ўтказгич маҳсулотларини ишлаб чиқаришда маҳаллий, яъни Олмалиқ ҳамда Россия хом ашёсидан фойдаланилмоқда. Таъкидлаш лозимки, хорижий инвестицияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш орқали корхонанинг цехлари янги, замонавий технологик линиялар билан жиҳозланди. Малакали мутахассислар эса ана шу дастгоҳ ва ускуналар қувватидан самарали фойдаланган ҳолда жаҳон андозаларига мос маҳсулотлар тайёрлашмоқдаки, натижада рақобатбардош товарлар Бирлашган Араб Амирликлари, Озарбойжон, Грузия, Россия, Қозоғистон, Туркия, Тожикистон, Эрон сингари давлатларга экспорт қилинмоқда.

Жамоада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, турларини кўпайтириш мақсадида янги цех ва участкалар фаолияти йўлга қўйилди. Натижада ишчи-хизматчилар сафи 1,5 минг нафарни ташкил этмоқда. Уларга яратилган меҳнат ва дам олиш шароитлари эса сифат ва самарада яққол акс этиб турибди.

Жорий йилда ҳам тадбиркорлар ўз изланишларини давом эттириб, замонавий ускуналар, технологик линиялар билан жиҳозланган қўшимча цехларни ишга туширишни режалашган. Бу албатта, маҳсулот турлари ортиши ва четга товарлар сотиш суръати жадаллашишида муҳим аҳамият касб этади.

# АҲОЛИ ДАСТУРХОНИГА

**АҲОЛИ ДАСТУРХОНИГА СИФАТЛИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТКАЗИБ БЕРАЁТГАН КОРХОНАЛАР ОРАСИДА ПОЙТАХТИМИЗДА 11 ЙИЛДАН БУЁН ФАОЛИЯТ КЎРСАТИБ КЕЛАЁТГАН «ГЕОМАХ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИНИНГ САЛМОҚЛИ ЎРНИ БОР.**

Корхона аҳли Европа технологиялари асосида маҳаллий хом ашёдан кўплаб турдаги сифатли гўшт ва колбаса маҳсулотлари тайёрлайди. Айниқса, ушбу маҳсулотларнинг истеъмолчилар дид ва эҳтиёжига яраша қадоқланиши харидорлар талабини қондиришда қўл келмоқда.

—Шунингдек, Чехия давлати билан ҳамкорликда ишлаб,—дейди корхона технологи Наримон Усеинов, —ишлаб чиқарувчиларни юксак унумли технологик линиялар билан таъминлашда хизмат кўрсатамиз. У ерда тайёрланган гўшт ва сутни қайта ишлаш, қандолат маҳсулотлари тайёрлаш ва қадоқлаш дастгоҳ ва ускуналарини келтириб сотишда тадбиркорларга кўмак берамиз.

Тадбиркорлар шаҳримиздаги кўплаб савдо шохобчаларига шартнома асосида ўз маҳсулотларини етказиб беради. Жорий йилда эса бир неча турдаги янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, сосисканинг бир неча хилини қадоқлаш кўзда тутилган.

**Шарофат БАҲРОМОВА**

**МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ҚИЙИН АНИҚЛАНАДИГАН ЖАРАЁН БЎЛГАНЛИГИ САБАБЛИ, УНИНГ МЕЗОНЛАРИДАН БИРИ БЎЛГАН ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ КЎПРОҚ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНАДИ. ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ БЎЛИБ, ЎЗ ИФОДАСИНИ РЕАЛ ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ ҲАЖМИНИНГ ОШИШИ ҲАМДА АҲОЛИ ЖОН БОШИГА НИСБАТАН КЎПАЙИШИДА ТОПАДИ.**

# ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ОМИЛЛАРИ

Иқтисодий ўсиш бевосита ялпи ички маҳсулот миқдорининг мутлоқ ва аҳоли жон бошига ҳамда иқтисодий ресурс харажатлари бирлиги ҳисобига кўпайиши ҳамда сифатининг яхшиланишида ва таркибининг такомиллашувида ифодаланади.

Миллий маҳсулотнинг ўсиш суръати билан ишлаб чиқариш омиллари миқдорининг ўзгариши ўртасидаги нисбат иқтисодий ўсишнинг экстенсив ёки интенсив турларини белгилаб беради.

Экстенсив иқтисодий ўсишга ишлаб чиқаришнинг аввалги техникавий асоси сақланиб қолган ҳолда ишлаб чиқариш омиллари миқдорининг кўпайиши туфайли эришилади. Айтайлик, маҳсулот ишлаб чиқаришни икки ҳисса кўпайтириш учун мавжуд корхона билан бир қаторда ўрнатилган ускуналарнинг қуввати, миқдори ва сифати, ишчи кучининг сони ва малака таркиби бўйича худди ўшандай яна бир корхона қурилади. Экстенсив ривожланишда, агар у соф ҳолда амалга оширилса, ишлаб чиқариш самарадорлиги ўзгармай қолади.

Иқтисодий ўсишнинг интенсив тури шароитида маҳсулот чиқариш миқёсларини кенгайтиришга ишлаб чиқариш омилларини сифат жиҳатдан такомиллаштириш, янада илғор ишлаб чиқариш воситаларини ва янги техникани қўллаш, ишчи кучи малакасини ошириш, шунингдек, мавжуд ишлаб чиқариш салоҳиятидан яхшироқ фойдаланиш йўли билан эришилади. Интенсив йўл ишлаб чиқаришга жалб этилган ресурсларнинг ҳар бир бирлигидан олинадиган самаранинг, пировард маҳсулот миқдорининг ўсишида, маҳсулот сифатининг ошишида ўз ифодасини топади. Бунда маҳсулот ишлаб чиқаришни икки ҳисса ошириш учун мавжуд корхонага тенг бўлган яна бир корхона қуришга ҳожат йўқ. Бу натижага ишлаб турган корхонани реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш, мавжуд ресурслардан яхшироқ фойдаланиш ҳисобига эришиш мумкин.

Иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатувчи омилларни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳ омиллар таклиф омиллари деб ҳам аталиб, иқтисодиётнинг ўсиш лаёқатини белгилаб беради:

1) табиий ресурсларнинг миқдори ва сифати;

2) ишчи кучи ресурслари миқдори ва сифати;

3) асосий капитал (асосий фондлар)нинг ҳажми;

4) технология ва фан-техника тараққиёти.

Бу омиллар ҳар бирининг ялпи маҳсулот ҳажмига таъсирини баҳолаш орқали иқтисодий ўсишни тавсифлаш мумкин.

Иқтисодий ўсишга тақсимлаш омиллари ҳам таъсир қилади. Ишлаб чиқариш салоҳиятидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун нафақат ресурслар иқтисодий жараёнга тўлиқ жалб қилинган бўлиши, балки жуда самарали ишлатилиши ҳам зарур. Ресурсларнинг ўсиб борувчи ҳажмидан реал фойдаланиш ва уларни керакли маҳсулотнинг мутлоқ миқдорини оладиган қилиб тақсимлаш ҳам зарур бўлади.

Иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатувчи таклиф ва тақсимлаш омиллари ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо қилади. Масалан, ресурслар миқдорининг ўсиши ва сифатининг яхшиланиши, технологияни такомиллаштириш иқтисодий ўсиш ва имконият яратади. Тўлиқ бандлик ва ресурсларни самарали тақсимлаш бундай ўсишни рўёбга чиқаради.

Иқтисодий ўсишда ресурсларни тақсимлаш омиллари ҳам ўз ўрнига эга бўлса-да, бу муаммони таҳлил қилишда асосий эътибор таклиф омилларига қаратилиши зарур.

Меҳнат унумдорлигининг ўсишини аниқлаб берувчи асосий омил ҳар бир ишловчига тўғри келувчи асосий капитал ҳажми ҳисобланади. Маълум вақт ичида капиталнинг ҳажми мутлақ кўпайиши мумкин, аммо ишчи кучи сони тезроқ ўсса, меҳнат унумдорлиги пасаяди, чунки ҳар бир ишчининг асосий капитал билан қуролланганлик даражаси камаяди.

**Эркин ШОСОБИРОВ,**
**Тошкент Давлат иқтисодиёт университети магистранти**

# АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИДА АКС ЭТГАН

**ХАЛҚАРО ИСЛОМ ТАШКИЛОТИ АЙСЕСКО ТОМОНИДАН ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ «ИСЛОМ МАДАНИЯТИ ПОЙТАХТИ» ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ БЕЖИЗ ЭМАСДИР. МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ ОРАСИДА ЎЗБЕКИСТОН, ЖУМЛАДАН ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ РАВНАҚИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ БЕҚИЁСДИР. АСРЛАР ДАВОМИДА ШАҲРИМИЗДА ҚУРИЛГАН ТАРИХИЙ ОБИДАЛАР, ИСЛОМ ДУНЁСИНИНГ БУЮК ШАХСЛАРИ ТАРИХИ ҲАМДА НОДИР ҚЎЛЁЗМАЛАР БЕБАҲО МАНБА СИФАТИДА БУНИ ИСБОТЛАБ ТУРИБДИ.**

«Ёшлик» талабалар шаҳарчасининг маданият ва маърифат саройида яқинда ташкил этилган республика архивчиларининг Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида»ги қонунининг бажарилишини янада яхшилаш, Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатларидан фойдаланиш ишларини такомиллаштириш мавзусига бағишланган семинарда Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви, Республика Кино, сурат ва овозли ҳужжатлар Марказий архиви ва Тошкент шаҳар давлат архиви ҳужжатлари асосида «Тошкент шаҳри—ислом маданияти пойтахти» номли кўргазма ташкил этилди. Кўргазмада архивларда сақланаётган, XIII асрдан бошлаб то республикамизнинг мустақиллик йиллари даврлари мобайнида ислом равнақи тарихини ёритган архив ҳужжатлари ва суратлар намойиш этилди. Кўргазмада қўйилган барча архив манбалари ноёб бўлиб, республикамиз бу борада бой тарихий меросга эга эканлиги билан семинар қатнашчиларида ифтихор ҳиссини уйғотди. Шунингдек, ушбу кўргазмада ҳужжатлар билан бирга Тошкент шаҳар давлат архивининг етакчи мутахассислари томонидан Кўкалдош, Ҳазрати Имом, Қаффол Шоший ва бошқа обидалар ҳақида тарихий маълумотномалар, ислом дини тарихи викторинаси, ислом дунёсининг буюк инсонлари тарихидан лавҳалар, Тошкент шаҳридаги Жомеъ масжидлари тўғрисида маълумотномалар ва бошқа бир қатор қизиқарли материаллар тақдимоти бўлди. Тошкент шаҳар давлат архивида сақланаётган ҳужжатларни ўрганиш вақтида масжид биноларини капитал ва жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш, ободонлаштириш, диний илмларни ўрганиш, ислом тараққиёти билан боғлиқ муҳим масалалар давлат аҳамиятида ҳал этилганлиги тадқиқ қилинди. Келгусида архив ҳужжатларини тадқиқ этиш ишлари давом эттирилади ҳамда Тошкент шаҳрида ўтказилиши режалаштирилаётган бир қатор тадбирларда республикамиз ислом тарихий манбашунослигининг ёрқин қирралари намойиш этилади. Ўтмиш хотиралари келажакни қуриш учун хизмат қилгандек, кино, сурат ва овозли архив ҳужжатлари мустақил юртимизнинг халқаро обрўсини шакллантиришда камалак рангларда жило берсин.

**Алижон МАҲКАМОВ,**
**Тошкент шаҳар Идоралараро шахсий таркиб ҳужжатлари марказий архиви директори**

# ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА ДАВР

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛ БОСМА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИКЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМОАТ ФОНДИ ТАШАББУСИ БИЛАН БОСМА НАШРЛАРДА МАСЪУЛ КОТИБНИНГ ЎРНИГА БАҒШЛАНГАН СЕМИНАР-ТРЕНИНГ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Унда юртимиздаги етакчи нашрларнинг бош муҳаррирлари, масъул котиблари, олий ўқув юртларининг журналистика факультетлари профессор-ўқитувчилари, талабалар иштирок этди.

Семинарда Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди раҳбари Ж.Ҳакимов, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов ва бошқалар мамлакатимизни модернизация ва ислоҳ этиш, жамиятни янгилаш ва демократлаштириш жараёнида миллий матбуотимиз муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолият юритиши, барча жабҳаларда кечаётган ислоҳотлар мазмун-моҳиятидан халқимизни ўз вақтида ва холис хабардор этиш учун барча шароит яратилган. Бу борада давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган кўплаб қонунлар, фармон ва қарорлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Уларга кўра, миллий матбуотимизни янада ривожлантириш, унинг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш, журналист кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва касбий маҳоратини ошириш борасида кенг кўламли ишлар бажарилмоқда.

Бугунги тезкор ахборот маконида ҳар бир нашр ўз ўрни ва мавқеини сақлашга астойдил интилиши табиий. Бунда босма оммавий ахборот воситалари саҳифаларидаги материалларнинг сифат ва савияси билан бирга дизайни муҳим аҳамиятга эга. Ушбу мураккаб иш эса газета ва журналларнинг масъул котиблари фаолияти, тажриба ва маҳоратига ҳам боғлиқдир.

Семинарда журналистикада масъул котибнинг ўрни, босма нашрларни саҳифалаш хусусиятлари каби мавзулардаги маърузалар юзасидан мунозаралар бўлиб ўтди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

*Семинарлар*

# СЕРВИС МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

**МАЪЛУМКИ, АҲОЛИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАМЛАКАТИМИЗ ИЧКИ ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ. ШУ БОИС, МАЗКУР СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, КЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРИШ БОРАСИДА БИР ҚАТОР МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 30 майдаги фармойишида белгилаб берилган вазифаларни бажариш юзасидан шаҳар ҳокимиятида бўлиб ўтган ўқув-семинарида ана шу мавзулар доирасида сўз борди. Унда мутасадди ташкилот вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Ўқув-семинарни Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Б.Тоҳиров олиб борди.

Тадбир давомида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги хизматларни ривожлантириш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Муҳаббат Ёқубова, Молия вазирлиги ходими Латиф Зокиров, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигидан Норсоат Аллаев, марказий банк бўлим бошлиғи Саидрасул Нажмитдинов, Давлат солиқ қўмитаси масъул ходими Дилдора Сиддиқова ва бошқаларнинг мазкур Қарор ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ва қилиниши керак бўлган ишлар бўйича маърузалари тингланди.

Таъкидлаб ўтилганидек, аҳолига кўрсатиладиган хизмат турларини ривожлантириш ва узлуксизлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Негаки, у халқ фаровонлигини рағбатлантирувчи соҳа, истеъмол бозорини замонавий хизмат турлари билан тўлдирувчи омил, иқтисодиётни сезиларли даражада кўтаришга хизмат қиладиган манба сифатида қараш тўғри бўлади.

Дунё иқтисодиёти тажрибаси шуни кўрсатадики, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси катта маблағ, потенциал имкониятларни талаб этмайди. Бунинг учун маҳаллий-моддий ресурслардан унумли фойдаланиш, аҳолининг ишсиз қатламини бандлик билан таъминлашга эътибор қаратиш зарур. Бу эса ўз навбатида аҳолининг эҳтиёжини қоплайди, даромадларнинг реал ошиш миқдорини кўпайтиради, ички истеъмол бозорини замонавий, турли-туман сифатли хизмат турлари билан тўлдириш имконини беради.

Ўқув-семинар давомида галдаги ишлар режаси белгилаб олинди.

**Ҳумоюн АЛИЕВ**

# «ТОШКЕНТДА ШОҲОНА ҚАБУЛ»

**ЛАТВИЯДА НАШР ЭТИЛАДИГАН «ЧАС» ГАЗЕТАСИНИНГ ҲАФТАЛИК ИЛОВАСИДА РИГАДАГИ «СКОНТО» КЛУБИ ҲАМДА ЛАТВИЯ МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОАСИ СОБИҚ АЪЗОСИ МИХАИЛ ЗЕМЛИНСКИЙНИНГ АНА ШУНДАЙ САРЛАВҲАЛИ МАҚОЛАСИ БОСИЛИБ ЧИҚДИ. УНДА ФУТБОЛ УСТАСИ ГАЗЕТХОНЛАРНИ МИРЖАЛОЛ ҚОСИМОВНИНГ ХАЙРЛАШУВ УЧРАШУВИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТОШКЕНТГА КЕЛГАНИ ВА ЮРТИМИЗДА ОРТТИРГАН ТААССУРОТЛАРИ БИЛАН ТАНИШТИРГАН.**

«Тошкентда ўзбек футболининг афсонавий устаси Миржалол Қосимовнинг хайрлашув учрашувини ўзининг гўзаллиги ва кўлами жиҳатидан камдан-кам кузатиладиган воқеа сифатида баҳолаш керак, — деб ёзади нашр. – Европа ва Осиё юлдузлари жамоалари таркибида икки нафар латвиялик футболчи – «Сконто» ва Латвия терма жамоасининг собиқ ҳимоячилари Михаил Землинский ҳамда Олег Благонадеждин иштирок этди.

Латвия терма жамоаси учун энг кўп ўйин ўтказган футболчилардан бири — Михаил Землинский ҳаяжондан тўлиб-тошган эди. Ўзининг спорт фаолияти давомида кўп нарсани кўрган футболчимиз бундай меҳмондўстликни кутмаган эди. Барчаси — Ўзбекистоннинг Ригадаги элчихонасида виза расмийлаштиришдан тортиб аэропортдаги кузатув маросимигача юксак даражада ташкил этилди.

**— Михаил, сиз учун бундай учрашувда иштирок этиш дастлабки тажриба бўлди. Бу сизнинг Ўзбекистонга илк ташрифингизми?**

— Ҳа, илгари мени бу каби ўйинларга таклиф этишмаган эди. Шу боис унда иштирок этиш жуда қизиқарли кечди. Стадион ажойиб муҳитни яратган кўп минг сонли футбол мухлислари билан тўла эди. Буни сўз билан таърифлаш қийин.

**— Тошкентдаги учрашув натижаси қандай бўлди?**

— Майдонга Ўзбекистон терма жамоаси билан бирга Валерий Газаев бошчилигида Европа ва Осиё юлдузлари терма жамоасининг биринчи таркиби тушди. Биздан ташқари у ерда россиялик Виктор Онопко, Артур Пагаев, Андрей Каряка, беларуслик Александр Чайка ва Игорь Тарловский, грузин Виталий Дараселия, Эрон терма жамоасининг ҳужумчиси Али Дайи каби машҳур футболчилар таклиф этилган эди. Ажойиб тарзда ўтган ўйин 3:3 ҳисоби билан якунланди.

Бу хайрлашув учрашувини ўтказиш учун катта куч жалб этилган эди. Маҳаллий эстрада юлдузлари ва цирк усталари ўйин бошланишида ва унинг ниҳоясида чиройли чиқишлар қилишди. Қосимовни нафақат Ўзбекистон футбол федерацияси раҳбарияти ва Тошкент шаҳри ҳокими, балки мамлакат Президенти Ислом Каримовнинг ўзлари табриклади-лар. Барча меҳмонлар одатда эрта саҳарда дастурхонга тортиладиган миллий таом – палов лаззатидан баҳраманд бўлдилар.

Миржалол ўзининг хайрлашув учрашувига фақатгина футболчиларни айтмаган эди. Ўз вақтида унинг шарафига исми қўйилган ёшлар ҳам таклиф этилди. Бу унинг ўсмирлар орасида жаҳон чемпиони бўлган даврига тўғри келади.

Ўйин давомида у биринчи бўлимда биз билан, танаффусдан сўнг эса Ўзбекистон терма жамоаси таркибида ўйнади.

Кейинги куни Миржалол ҳаммани шахсан ўзи кузатиб қўйди. Шундай илиқ ва самимий қабул учун яна бир бор ўзбек халқига, Ўзбекистон футбол федерациясига ўз миннатдорлигимни изҳор этишни истар эдим.

Хайрлашув чоғида биз унга яна бир бор раҳмат айтдик. У эса таклифини эътиборсиз қолдирмаганимиз, унга ва барча футбол ишқибозларига қувонч улашганимиз учун бизга миннатдорлик билдирди.

**«Жаҳон» АА**
**Рига**

# КЎПЛАБ ЯНГИЛИКЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

***(Давоми. Боши 1- бетда).***

Ўзбекистон телерадиокомпанияси ахборотига кўра, спорт мусобақалари жараёни бирданига барча телевидение ва радио каналлари орқали намойиш этиб, узатиб борилади. Шу билан бирга «Универсиада — 2007»га бағишланган тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари «ойнаи жаҳон» орқали тўғридан-тўғри кўрсатилади. Сунъий йўлдош алоқаси орқали эса ушбу тадбирларни ўз фаолиятини турли мамлакатларда амалга ошираётган республикамиз фуқаролари ҳам кўриш имкониятига эга бўлади.

Эътиборли томони яна шундаки, мазкур спорт байрамига оид оммавий ва бошқа тадбирлар пойтахтимизнинг марказий кўчаларида ўрнатилган бешта монитор орқали ҳам ёритиб борилади. Бу янгилик эса шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонларининг эътиборини тортиши, шубҳасиз.

Барча техник ускуналар мавжудлиги боис илк бора «Универсиада — 2007»да ғолибликни қўлга киритган кун қаҳрамонларининг номлари мунтазам ва тезкорлик билан Интернет саҳифалари орқали республика бўйлаб тарқатилади. Бундан ташқари, шу куннинг ўзидаёқ янги-янги чемпионларимизни вояга етказган ота-оналари номига ташкилотчилар томонидан миннатдорчилик хатларининг ҳам юборилиши йўлга қўйилади.

Дарҳақиқат, бу ҳақда КЕЧА Тошкент шаҳар ҳокимлигида шаҳримиз шаънини ҳимоя қилишга шайланган ёшларимиз билан ўтказилган учрашувда ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Тадбирда спортчилар ва уларнинг мураббийларига табрик билдирган Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқаҳҳор Тўхтаев Универсиада ўйинларининг аҳамиятига урғу бериб, давлатимиз келажаги бўлмиш ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб шаклланишида оммавий ва профессионал спортни ривожлантиришдек муҳим ижтимоий вазифа давлат сиёсати даражасида амалга оширилиб келинаётганига алоҳида тўхталиб ўтди. Бу борада мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан йўлга қўйилган ўғил-қизларимизнинг мустақил шахс бўлиб етишишига қадар барча поғоналарни қамраб олувчи уч босқичли узлуксиз спорт тизими бугунги кунда ўз ижобий натижаларини бермоқда. Республикамиз аҳолисининг 50 фоиздан зиёдини ташкил этувчи ёшлар спорт ва жисмоний тарбия билан фаол шуғулланмоқда. Барча ўқув юртлари, турар жойларда спорт мажмуалари барпо этилди. Спорт тўгараклари корхона ва ташкилотларда ҳам мунтазам фаолият юритаётир.

Шубҳасиз, «Умид ниҳоллари» ва «Баркамол авлод» каби «Универсиада» мусобақалари ҳам республикамиз ҳаётида ўз мавқеига эга. Деярли уч йил давомида — галдаги Универсиада пойтахти этиб Тошкент шаҳри белгиланган вақтдан буён шаҳримизда кенг қамровли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Тиббиёт академияси, Тошкент Давлат техника университети негизида халқаро мезонларга жавоб берадиган янги спорт мажмуалари барпо этилди. Тошкент Темир йўл муҳандислари институти спорт майдончалари ва заллари тубдан янгиланди. Бу борада энг муҳими, бевосита мамлакатимиз Президенти бошчилигида талабалар турар жойлари тўлиқ таъмирланиб, реконструкция ишлари ҳам амалга оширилгани ва ҳеч муболағасиз, бугунги кунда уларнинг том маънода уч юлдузли меҳмонхоналар даражасига жавоб беришидир.

Албатта, бундай шароитларга эга шаҳримиз спортчилари учун пойтахт жамоаси шаънини йирик мусобақаларда ҳимоя қилиш ҳам шарафли, ҳам масъулиятли вазифадир. Зеро, ҳар бир спортчининг беллашуви натижаси ўлароқ пировардида ҳар бир минтақа, шу жумладан пойтахтимиз спорт салоҳияти белгиланади. Адолат, бирдамлик, матонат ва ирода —ҳар қандай спорт мусобақаларининг бу асосий жиҳатлари Универсиада беллашувларида ҳам ўзини намоён этиши шубҳасиздир.

Учрашувда айтиб ўтилганидек, «Универсиада — 2007» мусобақалари натижалари бўйича биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган ҳудудий жамоаларга Ўзбекистон Президентининг бош мукофотлари — «Дамас» автомашиналари топширилади. Ғолибликка сазовор бўлган спортчилар ҳам қимматбаҳо совринлар билан тақдирланади. Қолаверса, бу сафарги Универсиада иштирокчиларининг ҳар бирига ташкилотчилар томонидан муносиб совғалар берилади.

Шундай қилиб, «Универсиада — 2007» мусобақаларининг кўтаринки руҳда ўтиши учун имкониятлар яратилган. Албатта, бу янги марралар, янги номлар кашф этилиши билан бирга, республикамиз спорт тарихида ўзига хос ўрин олиши шубҳасиздир.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**





**ШАҲРИМИЗДАГИ ХУШМАНЗАРА ВА СЎЛИМ ДАМ ОЛИШ МАСКАНЛАРИДАН БИРИ МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА ТАТАР ВА БОШҚИРДЛАРНИНГ МИЛЛИЙ БАЙРАМИ—САБАНТЎЙ БЎЛИБ ЎТДИ.**

*Шаҳримиз боғларида*

# МИЛЛАТЛАРНИ БИРЛАШТИРУВЧИ БАЙРАМ

Татар ва бошқирд миллий маданий марказлари ташаббуси билан ташкил этилган байрам қувноқ ва қизиқарли лаҳзаларга бой тарзда ўтди. Боққа ташриф буюрган ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонлари Татаристон ва Бошқирдистон санъат усталари — Ҳамду ўғлу Темиргалиев, Ильгам Шарифзанов, Айдар Галимов ва унинг «Айдар» студияси, Рафаэл Салихов, Миндулла Идрисов, Якуб Жарипов, Ризу Мигадиевлар ва бошқаларнинг дилтортар қўшиқ ҳамда куйларидан баҳраманд бўлдилар. «Дўслик», «Яшлик» ансамбллари, бадиийҳаваскорлик дасталарининг чиқишлари ҳам тадбирга ўзгача файз бағишлади.

Халқ амалий санъати ва миллий пазандалик намуналари намойиши байрам иштирокчиларида катта таассурот қолдирди. Айниқса татар-бошқирдларнинг чак-чак, парамач, вак-белиш, учпучмак, губадия, каштеле ва бошқа миллий таом ҳамда ширинликлари байрам дастурхонини очди.

Байрамда ўтказилган спорт мусобақалари ва ўйинларида айниқса ёшлар мазза қилиб беллашишди. Кураш, тош кўтариш, «от» устида беллашиш, армрестлинг, оғиздаги қошиқ устида тухум билан югуриш, арқон тортиш бўйича баҳслар жуда қизғин ва муросасиз кечди. Энг муҳими, ушбу ўйинларда байрамнинг хоҳлаган иштирокчиси ва меҳмони қатнашиб, ғалаба учун кураш олиб бориши мумкин эди. Энг эпчил ва чаққонлар эса ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди.

Бир сўз билан айтганда, Сабантўй жуда қувноқ, кўнгилли тарзда ўтди. Барча ўйнаб, қувнаб, спорт мусобақаларида қатнашиб шу куни уйига қувноқ ва кўтаринки кайфиятда қайтди.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТЛАРДА: Сабантўйнинг спорт мусобақалари мана шундай қизиқарли ўтди.**

**Алексей Попов олган суратлар**

*Тиббиёт*

# АССОЦИАЦИЯ ТАШАББУСИ БИЛАН

**ЎЗБЕКИСТОН ҲАМШИРАЛАР АССОЦИАЦИЯСИ «ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЙЎЛИДА ТАДБИРКОРЛИК БИЛАН ИШ ОЛИБ БОРМОҚДА.**

Олий маълумотли ҳамшираларни тайёрлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар ҳам эътиборни ўзига тортади.

Тиббиёт олий ўқув юртлари ҳузурида анестезиология ва реанимация, жарроҳлик, акушерлик ва менежмент йўналишлари бўйича очилган янги бўлимлар ҳамшираларнинг шифохоналарда муолажаларни ўзлари мустақил бажаришларига яқиндан кўмаклашмоқда.

Тошкент Тиббиёт академиясининг иккинчи ва учинчи клиникаларидаги бўлимлар ёрдами билан эса халқаро Соғлиқни сақлаш уюшмаси билан ҳамкорликда иқтидорли ҳамширалар учун ҳорижда амалиёт ўқув машғулотлари уюштирилади. Биринчи клиникада менежмент ва ҳамширалик иши бўйича бош врач ўринбосари лавозими жорий этилади.

# ҲАМШИРАЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ

**РЕСПУБЛИКА ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИДА ҲАМШИРАЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯСИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ.**

«Ҳамширалар таълимини ташкиллаштириш» деб номланган бу жараён тажриба намуна тариқасида уюштирилиб, турли услубий воситалардан фойдаланилади,

Айни вақтда ҳамкорлик лойиҳаси ҳам яратилди. Унга кўра «Оилавий ҳамшира иши» бўйича тиббиёт муассасаларида ҳамширалик ёзувини олиб бориш, «Ҳамшира таълими» деган амалий машғулотлар ҳам ташкил этиш йўлга қўйилди.

# «САЛОМАТЛИК» ЛОЙИҲАСИ — АМАЛДА

**ХАЛҚАРО РИВОЖЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ҲАМКОРЛИГИДА РЕСПУБЛИКАМИЗДА «САЛОМАТЛИК» ЛОЙИҲАЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛДИ.**

Биринчи бўғинни ислоҳ қилишга қаратилган ушбу лойиҳалар доирасида умумий амалиёт шифокорлари тайёрлаш учун ойлик курслари ташкил этилди.

Ана шу ислоҳотларнинг дастлабки босқичларида эришилган натижалар «Соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинини ислоҳ қилиш ва умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш» деган мавзудаги республика илмий-амалий анжуманида сарҳисоб қилинди ҳамда навбатдаги вазифалар белгилаб олинди.

**Акбар АЛИЕВ**

*Таълим*

# ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИ ЙЎЛИДА

**РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТ МАРКАЗИ ТАШАББУСИ БИЛАН ТОШКЕНТ ШАҲАР ПЕДАГОК ХОДИМЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИДА «МАКТАБ ВА ЁШЛАР МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАРБИЯСИ» МАВЗУСИДА ТАДБИР ЎТКАЗИЛДИ.**

Унда маънавий-маърифий тарғиботнинг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти атрофлича муҳокама этилди. Ҳозирда Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида олтита кафедра, еттита бўлим фаолият кўрсатмоқда. Уларда 62 нафар профессор-ўқитувчилар ҳар йили пойтахт таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган 5200 нафардан ортиқ педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларини олиб бормоқда. Институтда тингловчиларга таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ етказиш билан бирга йигирмадан зиёд фанлар бўйича қатор тадбирлар ўтказиб келиняпти. «Мактаб ва ёшлар маънавий-маърифий тарбияси» мавзусида бўлиб ўтган тадбирда ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб авайлаш каби масалалар бугунги куннинг долзарб вазифаси эканлиги таъкидланди.

Пойтахтимиздаги мактабларнинг Ватан туйғуси, миллий ғоя ва маънавият асослари бўйича фан ўқитувчилари иштирок этган тадбирда сўзга чиққанлар Президентимизнинг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорда белгиланган вазифаларнинг мактаблардаги ижросига алоҳида эътибор қаратишди. Бунда педагог кадрлардан катта масъулият ва юқори билим талаб қилиниши айтилди. Шунингдек, ёшларнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш, уларни турли хил ёт ғоялар таъсиридан асраш борасида қилиниши зарур бўлган масалалар юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашилди.

# ЎЗАРО ТАЖРИБА АЛМАШИШДИ

**КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР АСОСИДА ТАЪЛИМ - ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ЖОРИЙ ЭТИЛГАН ЯНГИЛИКЛАР ЎҚИТУВЧИ ХОДИМЛАР ЗИММАСИГА КАТТА МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ. МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ ЎҚИТУВЧИ ХОДИМЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ОЛИЙ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ТОМОНИДАН ҲАМ БУ БОРАДА МУАЙЯН ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.**

Ана шундай тадбирлардан галдагиси учрашув ва мулоқот тарзида ташкил этилиб, дарс жараёнига боғлиқ ҳолда ўтказилди. Унда республикамизнинг турли вилоятларидан келган ўқитувчилар, малака ошириш курслари тингловчилари адабиёт намояндалари ва олимларнинг қизиқарли маърузаларидан баҳраманд бўлиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди. Ўқувчи ва талаба-ёшларга таълим бераётган ҳар бир ўқитувчи аввало етарли билим ва тажрибага эга бўлиши лозим, дея таъкидланди тадбирда. Ана шундагина у ўз ортидан ёшларни эргаштира олиши ва устоз деган шарафли номни оқлаши мумкин.

Олий педагогика институтидаги малака ошириш курсларида ҳар йили юзлаб ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари ҳамда олий ўқув юртларида фаолият юритаётган ўқитувчилар ўзаро тажриба алмашишади, таълим жараёнининг янги услубларидан бохабар бўлишади. Бу борада курслар давомида берилаётган назарий билимларгина эмас, балки институтда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган турли учрашув ва мулоқотлар ҳам муҳим ўрин тутади.

Анжуманда сўзга чиққан профессор-ўқитувчилар инсонда хоҳиш бўлса ҳар қандай жараёндан ўзи учун фойдали жиҳатларни кашф қила олишини эътироф этишди.

**Рустам ҲАЙДАРОВ,**
**«Туркистон-пресс»**

*Буюк аждодларимиз*

# БЕНАЗИР ОЛИМ ВА КАШФИЁТЧИ

**ЖАҲОН ФАНИ ВА МАДАНИЯТИГА КАТТА ҲИССА ҚЎШГАН, ҚОМУСИЙ БИЛИМ СОҲИБИ, МАШҲУР АСТРОНОМ, МАТЕМАТИК ВА ГЕОГРАФ ОЛИМ, БИР НЕЧТА НОДИР АСАРЛАР МУАЛЛИФИ, ВАТАНДОШИМИЗ АҲМАД ФАРҒОНИЙ ТАХМИНАН 797 ЙИЛИ ФАРҒОНАДА ТАВАЛЛУД ТОПИБ 865 ЙИЛДА МИСРДА ВАФОТ ЭТГАН.**

Аҳмад Фарғоний ёшлигидан илм-фанга катта қизиқиш билан қараган ва фалакиётшунослик, математика, жуғрофия каби табиий фанлар бўйича ижод қилган. Аҳмад Фарғонийнинг ижодий фаолияти Бағдод билан, замондоши, улуғ мутафаккир олим Муҳаммад Ибн Мусо ал-Хоразмий раҳбарлигида фаолият кўрсатган «Байтул ҳикма» (Билим уйи) билан боғлиқдир. Аҳмад Фарғоний йирик илм-маърифат марказлари бўлган Марв, Бағдод, Дамашқ ва Қоҳира шаҳарларида фалакиётшунослик, риёзиёт ва жуғрофия фанлари билан астойдил шуғулланиб, бир нечта асарлар ёзиб қолдирган. Аҳмад Фарғоний айрим астрономик асбобларни ихтиро этиш, фалакиётшуносликка доир араб тилидаги бошланғич билимларни белгилаш ва тартибга солишда жуда муҳим ишларни бажарди.

Аҳмад Фарғоний Бағдод ва Дамашқдаги расадхоналар қурилишида шахсан фаол қатнашди. Шунингдек, Бағдод расадхонаси қошида ташкил этилган фалакиётшунослик мактабига раҳбарлик қилди. Олим Бағдоддаги йирик илм-маърифат маркази ҳисобланган «Байтул ҳикма»да мударрислик қилиб, табиий-илмий соҳада риёзиёт, фалакиёт, жўғрофия, ҳикмат ва бошқа фанлар юзасидан илмий кашфиётлар яратган. Аҳмад Фарғоний бу даврда юнон тилидан араб тилига ўгирилаётган астрономик асарлар таржимасида ва Птолемейнинг «Юлдузлар жадвали»-даги маълумотларни текширишда қатнашади. Аҳмад Фарғоний «Астрономияга кириш» асарида Птолемей ва бошқа юнон олимларининг бу фан соҳасидаги фикрларидан келиб чиқиб, изланишларининг меваси ўлароқ ўша даврдаги астрономик билимларни тизимли тарзда баён қилиб берди.

Маъмун академиясидаги фаолияти давомида расадхонага раҳнамолик ва раҳбарлик қилади. 1022 дан ортиқ юлдуз ва сайёралар рўйхатга олиниб, уларга харита тузилади. Олим коинотни илмий ўрганиш ва таҳлил этишнинг янги усулларини ўйлаб топади, уларни қўллашда катта муваффақиятларга эришади. Аҳмад Фарғоний Бағдод расадхонасида кўпгина кашфиётлар қилган. Жумладан, 812 йилги қуёш тутилишини олдиндан билди ва бу ҳақда илмий кузатиш ишлари олиб борди. Олим ернинг думалоқлигини шундай илмий далиллар билан исботлайдики, улар ўз илмий қийматини ҳали ҳам йўқотмаган. Масалан, бир хил осмон ёритгичларининг ҳар хил вақтда кўтарилиши, тутилишининг, ҳар хил жараёнда кўриниши шулар жумласидандир. Моҳир ихтирочи олим Аҳмад Фарғоний Мисрда яшаган йиллари Нил дарёсининг суви сатҳини ўлчайдиган махсус янги асбоб—нилометрни яратди. Илмий-техник ва меъморий жиҳатдан ғоят мустаҳкам ва улуғвор бу қурилма ҳозиргача сақланиб қолган ва у ихтирочининг номи билан аталади. Ватандошимиз буюк қомусий олим ва ихтирочи Аҳмад Фарғоний томонидан Нил дарёсига қурилган дарё суви сатҳини ўлчайдиган ноёб нилометр ўзининг иш фаолиятининг давомийлиги бўйича ҳозиргача дунёда ягона сув ўлчаш қурилмаси ҳисобланади.

Фалакиётшунос олим ва кашфиётчи Аҳмад Фарғонийнинг кўп йиллик илмий тадқиқот ишлари ўзининг самарали ижобий самарасини берди. Унинг астрономия, жўғрофия ва математика соҳасидаги асарлари бу фанлар тараққиётига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди ва кейинги даврларда ўтган олимлар учун муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилди.

Аҳмад Фарғонийдан бой илмий мерос кўплаб ноёб асарлар сақланиб қолган. Қомусий олимнинг «Самовий ҳаракатлар ва юлдузлар фанининг мажмуаси ҳақида китоб», «Астролябия ҳақида мукаммал китоб», «Астролябия санъати ҳақида», «Ўттиз бобдан иборат мажистийга кириш фасллари рисоласи», «Ой ер устида ёки унинг остида бўлган пайтдаги вақтларни ўрганиш ҳақида рисола», «Етти иқлим ҳисоби», «Мармарнинг хизмати ҳақида китоб»лари жаҳонга маълум ва машҳурдир.

Аҳмад Фарғонийнинг «Астрономия асослари ҳақидаги китоб»идан бир неча асрлар давомида Европа университетларида астрономия фани бўйича асосий дарслик сифатида фойдаланиб келинган. Олимнинг бу қўлланмаси ўрта аср мусулмон Шарқи мамлакатларидаги, сўнг Испания орқали Европа мамлакатларидаги астрономия илмининг ривожини бошлаб берди. Аҳмад Фарғоний ўзининг «Астрономия асослари ҳақидаги китоб» асарида астрономияга оид билимларни тартибга солди, уларни янги маълумотлар билан бойитди ва астрономик асбоблар, қуёш соати тузилишининг баёнини берди.

Хулоса қилиб айтганда, Аҳмад Фарғонийнинг бу асари астрономия бўйича араб тилида ёзилган дастлабки китоб бўлиб, Европада Коперниккача бўлган фалакиёт илмидан асосий қўлланма бўлиб хизмат қилган. Европада «Ал-Фраганус» номи билан машҳур бўлган бу олимнинг асарларидан Австрия ва Италия университетларининг олимлари фойдаланиб, маъруза қилганлар ва олимнинг илмий ижодига юксак баҳо берганлар. Аҳмад Фарғоний ўзининг илмий-ижодий фаолияти ҳамда нодир китоблари, қўлёзма асарлари билан жаҳон зиёлилари ўртасида буюк фалакиётчи, риёзиюн ва Жуғрофиюн, Шарқда «Ҳосиб» (математик) деган лақаб билан шуҳрат топган. Шарқда ал-Фарғоний номи билан машҳур бўлган бу олимнинг асарларини ўн биринчи асрдан бошлаб Европа олимлари лотин тилига, кейинчалик бошқа тилларга таржима қилиб, бир неча марта чоп эттиришиб ўргана бошладилар. Ўзбекистонда Аҳмад Фарғонийнинг бой ва кўп қиррали илмий мероси Мустақиллик туфайли кенг ўрганилмоқда ва асарлари чоп этилмоқда.

Қанчалик ачинарли бўлмасин, Шарқнинг буюк қомусий олими Аҳмад Фарғонийнинг нодир китоблари, қўлёзма асарлари турли йўллар билан четга олиб кетилган ва ҳозирда Англия, Франция, АҚШ, Миср, Марокаш, Берлин, Машҳад, Теҳрон, Ҳиндистон ва Санкт-Петербург кутубхоналарида сақланмоқда. Олимнинг баъзи асарлари Тошкент ва Душанбедаги Шарқшунослик институтлари фондида ва йирик кутубхоналарда сақланмоқда. Аҳмад Фарғонийнинг улуғ номи Шарқ ва Ғарбда маълум ва машҳурдир. Бутун дунё олимлари Аҳмад Фарғоний ва унинг сафдошларининг фанга улкан ҳисса қўшганликларини тан олиб, уларни жаҳон илм-фани асосчилари сифатида ҳурмат қиладилар. Биз эса дунё тан олган буюк қомусий олимимиз Аҳмад Фарғоний билан ҳақли равишда фахрланамиз, ғурурланамиз.

**Рашид БОЙТУЛЛАЕВ**

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

### ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

#### ҲИКМАТЛАР

**Мингта осмон чашми маъсум олдида,
Чашмадир андоқки, қулзум олдида.**

* * *

**Кимки бадбахтдир, куйикдир хирмани,
Ёнмасин, дер, ўзга инсонлар шами.**

**Сен камолот йўлига қўйгил қадам,
Ўзганинг кўрсанг камолин, чекма ғам.**

* * *

**Ўйлагил жонингни, танни ўйлама,
Суврати зоҳирни пардоз айлама.**

* * *

**Баъзи ҳукамо оламни кичик олам, яъни олами суғро дерлар, илоҳий ҳукамо эса одамни буюк олам, яъни олами кубро дерлар. Ул ҳукамо илми одамнинг сувратига ишорат айлар, бул ҳукамо илми эса унинг сийратига, яъни ҳақиқатига.**

* * *

**Наслу насаби паст, тубан кишиларнинг илму ирфон, молу давлат эгаси бўлиши—ҳатарлидир, бу қароқчининг қўлига қилич тутқазиш ила баробар.**

* * *

**Ўтган ишга ачинма, фурсатни ғанимат бил, умрни пушаймонликда кечирма.**

* * *

**Аҳмоқ балога учраб, афсус-надоматлар чекиб, аҳд этаркан, аҳдига вафо айламас.**

* * *

**Субҳи козибнинг вафоси бўлмас.**

* * *

**Ваҳм ақлнинг рақибидир, ҳамиша ақлу идрок ила жанг айлар.**

* * *

**...ободлик—бузғунликда, йиғин—тарқоқликда, бутунлик—синиқликда, борлик—йўқликда ва бошқа зидликлар ҳам шу йўсиндадир.**

* * *

**Инсоннинг ҳар туйғуси айру бир нарсани туяр, ўзга туйғулар ишидан хабари бўлмас. Бир уста санъаткор бошқа санъаткорлар санъатидан бехабар бўлгани каби бу бехабарлик у туйғуларнинг бўлмаганига далил бўлолмас.**

* * *

**Тавба эшиги ҳамиша очиқ.**

* * *

**Ер юзининг подшолиги болаларнинг тупроқ ўйинига ўхшар.**

* * *

**Мунаввар кимсанинг кўнгил нури у бир иш қилмай, бир сўз демай аён бўлади.**

* * *

**Ақллар тофовути аслан яратилишда, фитратдадир.**

* * *

**Инсонга ўзига маҳлиё бўлиб боққан ўз кўзидан ҳам ёмонроқ таҳликали кўз бўлмас.**

* * *

**Ойинага бирор нарса ёзсанг ёхуд расм солсанг, уни ўчирганда ҳам изи қолур.**

* * *

**Молу дунё товуснинг парларидек жоннинг душманидир.**

* * *

**Чигиртка қувган қуш ўз ортидан оч лочиннинг тушганини билмас.**

* * *

**Ҳар сўзни ўша сўз аҳлидан ўзгасига сўйласанг, уни сафсата дегайлар.**

* * *

**Ёмон кимса ўз ёмонлигида собит туриб, яхшиларнинг давлатга эришганларини кўриб, шайтонга айланур, ҳасад қилиб, яхшиликка монеъ бўлур... Бўйлаким, хирмани ёнган киши ўзгаларнинг ҳам хирмани ёнишини истар.**

* * *

**Неча йироқликлар борким, яқинлик келтирар. Неча ёмонликлар борким, яхшилик келтирар.**

* * *

**Оқилга ишорат етар.**

* * *

**Интизорлик қип-қизил ўлимдир.**

* * *

**Баъзи кимсаларнинг сўзи уларнинг ҳоли ва даъвосига мос келмас.**

* * *

**Киши тавба қилиб, пушаймонлик чекса, сўнг уни унутиб, синаган нарсасини яна синамоққа киришса, абадий аламга гирифтор бўлгай.**

* * *

**Ҳар тузоқда дон бордирким, тузоқ яшириндир. Сен тузоқда туриб ўзга донларни орзу этарсан, аммо ўша донлар ортида ҳам тузоқлар борлиги хаёлингга келмас.**

* * *

**Таваккул бўйла касбдирким, бошқа касбларга муҳтожлиги йўқдир.**

* * *

**Бир давлатдин хабар бергувчи кимсада ул давлатнинг бирор нишонасини кўрмасанг, ўшал кимса ўшал давлатга муқаллид бўлди, деб ҳисоблайвер.**

* * *

**Ҳар бир синов тарозига ўхшар. Бировлар бу синовдан ёруғ юз билан ўтиб, муродга етар, бировларга эса юз қаролик насиб этар.**

* * *

**Тавбани бузмоқ инсонга бало келтирур.**

* * *

**Уй даричаси очилса, ичкарига ой ҳам кирар, офтоб ҳам, ёмғир ҳам кирар.**

**Эргаш ОЧИЛОВ
тайёрлаган**

# ҚАТНАШЧИЛАРГА ОМАД ЁР БЎЛСИН!

## — дея тилак билдиришмоқда «Универсиада — 2007» иштирокчиларига пойтахт транспортчилари

Шаҳримизда бўлиб ўтадиган талаба-ёшлар ўйинларига 100 та «Исузу» русумли автобуслар хизмат қилади. Япониянинг «Исузу моторс лимитед» компанияси билан ҳамкорликда Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилган бу автомашиналарнинг яшил, яъни Универсиада рангида — ёшлик ва жўшқинликни ифода этувчи рангда эканлиги айниқса қувонарлидир.

— Дарҳақиқат, бу буюртма асосида танланган ранглар жилоси, дастлабки «Исузу»ларнинг ранги эса ўзгача эди. Қолаверса, шаҳримизга келтирилган бу автобусларга йирик кўринишда талаба- ёшлар байрами рамзи туширилгани ҳам янада аҳамият касб этади, — дейди «Тошавтобустранс» компанияси директори Тўлқин Дадабоев. — Таъкидлаб ўтиш ўринлики, Тошкент мустақил давлатимизнинг пойтахти, шу боис азим шаҳримизда режалаштирилаётган ҳар бир тадбир фақат ташкилий маънода эмас, балки ҳар томонлама юқори савияда, пойтахт мақомига мос ва хос равишда ўзгача шукуҳда ўтишига эришилиши табиийдир. Демак, республикамизнинг бош шаҳри пойтахти этиб белгиланган «Универсиада — 2007» ўйинлари ҳам алоҳида жиҳатлари билан ажралиб туриши, ўзига хос кўтаринки руҳда ўтиши учун барча саъй-ҳаракатларимизни бирлаштирмоғимиз керак.



— Транспорт ҳам, менинг назаримда, йирик мусобақаларнинг қайсидир маънода ташриф белгиси ҳисобланади, — сўзида давом этади Т.Дадабоев. — Тез кунларда пойтахтимизга республикамизнинг барча вилоятларидан спорт мусобақалари қатнашчилари ташриф буюришади. Талаба-ёшларимизнинг катта спорт байрамига «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ва «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компаниясидан ташқари, ўз совғасини шунингдек автотранспорт корхона ва ташкилотлари, хусусан «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси ҳам тайёрлаган. Ушбу ташкилотнинг таркибий қисми — «Тошавтобустранс» компанияси ва «Ўзавтосаноат» лизинг компанияси ўртасида Самарқанд автокорхонасида ишлаб чиқарилаётган «Исузу» микроавтобусларининг 100 тасини пойтахтга келтириш бўйича лизинг шартномаси имзоланди ва Универсиада бошлангунга қадар уларнинг барчаси тўлиқ ҳажмда ҳозир қилинади. 20 июнь куни мусобақа иштирокчиларининг шаҳримизга келиши бошланади. Мазкур жараённинг оммавийлигини инобатга олган ҳолда — Универсиадада уч мингга яқин киши қатнашади, «Исузу»дан ташқари, қулайликлари шаҳримиз аҳолиси учун яхши маълум бўлган ва албатта меҳмонларга аъло кайфият бахш этувчи «Мерседес-Бенц» автобусларидан ҳам 20 тасини жалб этиш мўлжалланган.

«Исузу» микроавтобуслари Паркент туманидаги «Физика-Қуёш» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳудудидан бошланиб, Ўзбекистон Банклар ассоциацияси спорт мажмуасига бўлган масофадаги Универсиада машъаласини ёқиш, шунингдек, спорт ўйинларининг тантанали очилиш ҳамда ёпилиш маросимларига ҳам кенг жалб этилади.

Мусобақалар пайтида янги русумли автобуслар деярли куну тун хизмат қилади. Спортчиларга қулайлик яратиш мақсадида талабалар турар жойларидан мусобақалар ўтиш манзиллари — Ўзбекистон Миллий университети, Ташкент Давлат техника университети, Тошкент Тиббиёт академияси, Тошкент Темир йўл муҳандислари институти ва Ўзбекистон Банклар ассоциацияси спорт мажмуалари йўналишлари оралиғида эса қатъий жадвал асосида ҳар 15 дақиқа ичида «Исузу-шатл» қатнови йўлга қўйилади. Қайд этилган манзиллар бўйича нозимлик хизматлари ташкил этилиб, ўз навбатида уларнинг фаолияти «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси қошидаги махсус нозимлик ишчи гуруҳи томонидан назоратга олиниб мувофиқлаштирилиб борилади. Бундан ташқари, барча мусобақа йўналишлари бўйича оралиғи 30 дақиқали «шатллар» қатнови Тошкент Давлат юридик институти талабалар турар жойларида яшайдиган ҳакамлар учун ҳам кўзда тутилган. Бешта «Исузу» автобусидан иборат заҳирадан эса фақат зарурият туғилганда фойдаланилади. Ҳайдовчи ва нозимлик шохобчалари ўртасида алоқанинг узлуксизлиги икки томоннинг махсус рациялар билан таъминланиши ҳисобига амалга оширилади.

Айни пайтда «Исузу» микроавтобуслари «Мерседес-Бенц» сервис марказида жамланган бўлиб, бу ерда мутахассислар томонидан транспорт воситаларининг фойдаланиш имкониятларини баҳолаш ва истиқболда самарали фойдаланиш учун тегишли тавсиялар бериш мақсадида техник кўрикдан ўтказиш жараёни давом этмоқда.

— Умуман олганда, «Исузу»нинг техник жиҳатларини юқори баҳоладик, — дейди сервис маркази ахборот хизмати бўлими бошлиғи Миржамол Маҳкамов. — Марказимиз хорижий автомашиналар билан ишлашда катта тажрибага эга. Хусусан, яхши маълумки, бу ерда «Мерседес-Бенц» автобусларига уларнинг республикамизга келтирилган вақтидан бошлаб мунтазам хизмат кўрсатиб келинади. Шуни инобатга олган ҳолда япон двигатели ва шассиси ўрнатилган янги автобусларни ҳам тегишли кўрикдан ўтказиш борасида бизга ишонч билдирилди.

15 та ўтириш ўрнига эга ва умумий ҳисобда 37 кишига мўлжалланган «Исузу» микроавтобуси авваламбор ихчамлиги билан ажралиб туради. Марказ мутахассисларининг фикрича, юқори қувватли двигатель ҳисобига автобусни бошқариш ҳам анча енгил кечади. Максимал қуввати 120 от кучига эга бўлиб, ҳаттоки 65квт/88 от кучида ҳам автомашинанинг енгил силжишини сезиш қийин эмас. «Исузу»да солярка анча тежамли сарфланади: 100 километр масофага соатига 60 километр тезликда 18 литр ёқилғи ишлатилади. Шифт қисмидаги очиш-ёпиш дарчалари эса салондаги ҳавони доимо тозалаб туриш имкониятини яратади, Ҳозирча техник мутахассисларнинг ҳаракатланиш пайтида хавфсизликни тўлиқ таъминлаш мақсадида салонда ҳайдовчи ва йўловчиларни ажратиб турувчи тирговичустунлар оралиғини янада кенгайтириш борасида фақат битта тавсияси қайд этилди.

— Шубҳасиз, ҳар бир янги транспорт воситаси жорий этилаётганда, махсус ўқув жараёни ва ҳайдовчилар таркибининг шакллантирилиши шартдир, — дейди марказ катта ўқитувчиси Иброҳим Мадаминов. — Шу боис «Исузу» автобусларини Универсиада пайтида ҳамда кейинчалик бошқаришга саралаб олинган 120 нафар ҳайдовчи учун ўқув машғулотлари ўтказмоқдамиз. Мақсадимиз — албатта «ЛАЗ» ва «ПАЗ» автобусларидан фойдаланиш тажрибасига эга ҳайдовчиларни «Исузу»га оид техник янгиликлар билан таништиришдир. Тўрт соатлик амалиёт жараёни ҳам бевосита шу ерда, ҳозирча «Исузу»лар қўним топган марказнинг ўзида ташкил этилган. Ҳайдовчилардан сифатли бошқариш талаб этилиши билан бирга машиналарни ўз ҳолича таъмирлаш мутлақо тақиқланади. Нима учун? Таъмирлаш ишлари ҳар бир автобус учун тузилаётган картотека-маълумотлар базасида кўзда тутилган бўлиб, бундай имконият бошқариш жараёнида катта имтиёз ҳисобланади. Агарда ҳайдовчи меъёрий талабларга риоя этмаса, маъмурий жаримадан тортиб автомашинани бошқаришдан ва ишдан четлатилишига қадар жавобгарликка тортилади. Ўз навбатида, бошқариш ҳуқуқи эса сервис маркази раҳбарияти томонидан имзоланган хат билан белгиланади. Шу кунгача 80дан зиёд тингловчилар шундай ҳужжат соҳиби бўлди.

Хулоса шуки, биз «Исузу»нинг илк йўловчилари бўлмиш «Универсиада — 2007» иштирокчиларига юқори даражадаги хизмат таъминланишини кафолатлаб, оқ йўл ҳамда муваффақиятли ўйинлар тилаб қоламиз.

Мазкур материални тайёрлаш чоғида, бизни албатта, «Исузу» автобусларини ишлаб чиқариш жараёни ҳам қизиқтирди ва бу борада «Правда Востока» газетасининг Самарқанд вилоятидаги мухбирлик пункти яқиндан ёрдам берганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозим. Хусусан, мазкур нашрнинг вилоятдаги махсус мухбири Наталья Шакированинг факс орқали хабарига кўра, «Исузу» автобуслари Самарқанд автомобиль заводида шу йилнинг январь ойидан бошлаб ишлаб чиқарила бошланган. Янги русумли автобуслар сифат ва қулайликлари бўйича илк синовлардан муваффақиятли ўтганидан сўнг, Япониянинг «Исузу моторс лимитед» компанияси ва Самарқанд автокорхонаси ўртасида техник ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди.

—Бу воқеа 1999 йилда юз бериб, фойдаланишда имкониятлари кенг бўлган автомашиналарни ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона учун янги ҳаёт йўлланмаси бўлди десак адашмаймиз, — деди «Самавто» масъулияти чекланган жамияти бош директори Сулейман Узоқов. — Қисқа вақт ичида ишлаб чиқариш жараёнини «Исузу» шассиси негизидаги тижорат автотранспортини чиқаришга мослаштиришга муваффақ бўлдик.

«Исузу моторс лимитед» компанияси вице-президенти Горо Шинтани эса бунинг замирида республика ҳукумати ҳамда «Ўзавтосаноат» компанияси ва корхона жамоасининг ўзаро ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари жамланганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Ушбу лойиҳада дунёдаги энг йирик трейдинг компанияларидан бири ва «Исузу»нинг акциядори бўлган «Иточу» корпорацияси иштирок этмоқда. «Самавто»нинг маҳаллийлаштириш дастури доирасидаги бизнес-ҳамкорлари «ЎзДон Жу», «Автоойна», «Кварц» каби юртимиз корхоналари ҳисобланади. «Исузу»га бутловчи қисмлардан бампер, панел ускуналари ва жиҳозлаш материалларини ишлаб чиқариш йўналиши бўйича тендер-танловни «Ойнапластик» акциядорлик жамияти ютиб олди.

Самарқанд автозаводи мутахассисларининг «Исузу моторс лимитед» компаниясининг ўқув марказида тажриба алмашуви бизнес ҳамкорликнинг энг яхши анъаналари усулида ташкил этилди. Айни пайтда японлик ҳамкасблари билан тажриба алмашишни давом эттириш борасида мутахассислардан иборат янги гуруҳ шакллантирилмоқда. Жамоанинг олдида режалари бисёр - Марказий Осиё минтақасида автобус ва юк ташувчи машиналарни ишлаб чиқариш борасида етакчи корхона номига сазовор бўлишдир.

Истиқбол режалари албатта, биринчи навбатда «Исузу моторс» компаниясининг юқори даражадаги ишбилармонлик имкониятлари билан таърифланади. Ўрни келганда айтиш жоизки, ушбу компанияга 1916 йилда асос солинган, яъни ўтган йили ўзининг 90 йиллигини нишонлаган.

Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига «Исузу» автобусларининг 200 таси яхши совға бўлди, «Исузу» микроавтобуслари шунингдек, Навоий, Андижон, Хоразм шаҳарларида ҳам йўловчиларни ташишга жалб этилган йўловчи транспорти сифатида хизмат кўрсатмоқда. «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасидан олинган хабарга кўра, «Универсиада — 2007» учун келтирилган 100 та «Исузу» автобуслари кейинчалик пойтахтимиз автожамламаларига тақсимланиб, шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонларига жамоат транспорти сифатида хизмат кўрсатади.

Ҳозирча эса «Исузу»га оқ йўл тилаб, талабалар ўйинлари жараёнида енгил ҳаракат тилаб қоламиз.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

*Футбол*

# «ПАХТАКОР» — ОСИЁДА УЧИНЧИ

**ХАЛҚАРО ФУТБОЛ ТАРИХИ ВА СТАТИСТИКАСИ ФЕДЕРАЦИЯСИ — FFHS ЖАҲОНДАГИ ФУТБОЛ КЛУБЛАРИНИНГ ИЮНЬ ОЙИДАГИ РЕЙТИНГ ЖАДВАЛИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ.**

Унда мамлакатимиз чемпиони «Пахтакор» жамоаси 146-ўринга, «Нефтчи» клуби эса 161-ўринга лойиқ кўрилган.

Шуниси қувонарлики, ўтган ойда эълон қилинган рейтинг жадвали рўйхатида 207-ўринни эгаллаган «Пахтакор» 61 поғона юқорилаган. Рўйхат натижаларига кўра ҳозирча мамлакатимиз чемпиони Осиёда — учинчи, МДҲ-да — тўққизинчи ўринда бормоқда.

# УЧИНЧИ БОСҚИЧГА ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

**2008 ЙИЛДА ХИТОЙ ПОЙТАХТИ ПЕКИН ШАҲРИДА ЎТАДИГАН ЁЗГИ ОЛИМПИАДАДА ИШТИРОК ЭТИШНИ ЎЗ ОЛДИГА МАҚСАД ҚИЛИБ ҚЎЙГАН ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМПИЯ ТЕРМА ЖАМОАСИ ФУТБОЛЧИЛАРИ ИККИ МАРТА УЮШТИРИЛГАН САРАЛАШ БАҲСЛАРИДА МУВАФФАҚИЯТЛИ ИШТИРОК ЭТИБ, УЧИНЧИ—ҲАЛ ҚИЛУВЧИ БОСҚИЧ ЙЎЛЛАНМАСИНИ ҚЎЛГА КИРИТГАНЛИКЛАРИДАН МУХЛИСЛАРНИНГ ХАБАРЛАРИ БОР, АЛБАТТА.**

Шуниси эътиборлики, саралаш турнирининг учинчи босқичига йўлланма олган олимпия терма жамоалари уч гуруҳга бўлинган ҳолда ўзаро беллашадилар. Ўз гуруҳида биринчи ўринни қўлга киритган олимпия терма жамоаларига Олимпиада финали йўлланмаси насиб этади.

Куни кеча Осиё футбол конфедерациясининг Куала-Лумпур шаҳрида жойлашган қароргоҳида Пекин Олимпиадаси футбол мусобақаси саралаш баҳсларининг якуний — учинчи босқичига қуръа ташлаш маросими уюштирилди.

Шуниси эътиборлики, Ўзбекистон олимпия терма жамоаси қуръа ташлаш натижаларига кўра «В» гуруҳида Баҳрайн, Сурия ва Жанубий Корея олимпиячиларига қарши майдонга тушади.

Мазкур босқичнинг 1-тур учрашувлари 22 август куни бўлиб ўтса, сўнгги тур 21 ноябрда ўтказилади. Дастлабки учрашувни Жанубий кореяликларга қарши сафарда ўтказиши режалаштирилган Вадим Абрамов бош мураббийлигидаги олимпия терма жамоамиздан имкон қадар чиройли ўйинлар ва ғалабалар кутишга ҳақлимиз.

Дарвоқе, «А» гуруҳида Ироқ, Ливан, КХДР, Австралия, «С» гуруҳида эса Япония, Саудия Арабистони, Қатар ва Вьетнам олимпия терма жамоалари ғолиблик учун ўзаро кураш олиб борадилар.

*Бокс*

# ҲАМЮРТИМИЗНИНГ ИШОНЧЛИ ҒАЛАБАСИ

**ПРОФЕССИОНАЛ БОКСНИНГ WBO ЙЎНАЛИШИ ЎРТА ВАЗНДАГИ «WBO ASIA PACITO» ЧЕМПИОНЛИК КАМАРИ УЧУН РОССИЯНИНГ ЕКАТЕРИНБУРГ ШАҲРИДА ҲАМЮРТИМИЗ ҚУВОНЧБЕК ТОЙҒАНБОЕВ ВА ТАНЗАНИЯЛИК ХАССАН МАТУМИ ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛГАН ЖАНГ ҚУВОНЧБЕКНИНГ ИШОНЧЛИ ҒАЛАБАСИ БИЛАН ЯКУНЛАНДИ.**

Россиянинг «Пушка» промоутерлик компанияси ташаббуси билан уюштирилган ушбу жанг 12 раунд давом этган бўлсада, тўлиқ устунлик «WBO Asia Pacito» камари соҳиби Тойғанбоев томонида бўлди ва ҳакамлар ҳамюртимизни ғолиб дея эълон қилишди.

Биз ўзбекистонлик бокс мухлислари номидан Қувончбекни ушбу ғалаба билан қутлаб WBO йўналиши ўрта вазнида жаҳон чемпионлигини ҳам қўлга киритишига умид қилиб қоламиз.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан Тошкент шаҳридаги ўрни бўш хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслик лавозимига**

**ТАНЛОВ ЎТКАЗИЛАДИ**

Танловда иштирок этиш истагини билдирган шахс бир ой муддат ичида қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши зарур:
а) комиссия номига ариза;
б) паспорт нусхаси;
в) шахсий варақа (сўровнома);
г) меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
д) нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
е) малака имтиҳонини топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма;
ж) нотариат ишига бевосита раҳбарлик қилиш билан боғлиқ вазифаларда ишлаб келаётган талабгорларга унинг ишлаб келаётган лавозими ва ўз лавозимига мувофиқ унга юклатилган вазифалар аниқ кўрсатилган маълумотнома;
з) охириги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

**Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, Геодезия, Картография ва Давлат кадастри давлат қўмитаси Тошкент шаҳар кўчмас мулкни Давлат рўйхатидан ўтказиш офиси**

Тошкент шаҳар кўчмас мулкни давлат рўйхатидан ўтказиш офисининг туманлардаги филиалларига регистратор ва регистратор ёрдамчиси лавозимига бўш ўринлар учун

**ТАНЛОВ**
**АСОСИДА ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:**

1.Танлов талаблари:

—Танловда қатнашувчилар юридик ёки олий маълумотга эга Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлишлари ва давлат ташкилотларида камида 3 йил фаолият кўрсатган, ўзбек ва рус тилларини яхши ўзлаштирган ёш мутахассислар бўлиши:

—Шунингдек, давлат нотариал идораларида ва кўчмас мулкка тегишли бўлган ҳуқуқ ва қонун ҳужжатлари билан ишлаган шахслар бўлиши мумкин.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 2«а»-уй.

**Телефонлар: 139-35-04, 139-35-42, 139-35-47.**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

*«ZAFAR-ADOLAT» адвокатлик фирмаси тугатилди. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ойгача қабул қилинади.*
*Манзил: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Қорақамиш 2/4 мавзеси, 31-уй, 26-хонадон. Телефон: 391-79-28.*

Республика Турк миллий-маданий маркази бошқаруви жамоаси марказнинг Бухоро вилоят бўлими раиси
**Капитан Сулаймонович ШАҲРИЕВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 506

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2875 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6

Топширилган вақти: 13.35